O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2007 йил 29 март, № 61 (4214) Пайшанба


# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА



## Бугун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлайди



Сенатнинг навбатдаги ялпи мажлисида жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш вазифаларини изчил ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга бўлган бир қатор қонунлар ва масалаларни муҳокама қилиш режалаштирилмоқда.

Кеча, 2007 йил 28 мартда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Кенгаш аъзолари Олий Мажлис Сенатининг Раиси ўринбосари Ф.Муҳитдинованинг парламент юқори палатасининг тўққизинчи ялпи мажлисига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир ишлар ҳақидаги ахборотини тинглаб, маълумот учун қабул қилдилар.

Қўмиталарнинг раислари ялпи мажлис муҳокамасига киритилаётган қонунлар ва бошқа масалалар юзасидан хулосалар тайёрлиги ҳақида ахборот бердилар, мажлис ишини ташкил этиш юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг прокуратура органларининг 2006 йилдаги фаолияти тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2006 йилдаги фаолияти ҳақидаги, Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) 2006 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларига оид масалалар шулар жумласидандир.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан Кенгаш тегишли қарорлар қабул қилди.

* * *

Шу куни Сенатнинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари, шунингдек, Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмиталари ўз мажлисларини ўтказди. Мажлисларда сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Қонунчилик палатасига лойиҳалари киритилган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунини ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонунни, шунингдек, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунни кўриб чиқишга алоҳида эътибор қаратдилар. Шу нарса таъкидлаб ўтилдики, мазкур ҳуқуқий ҳужжатлар сиёсий партияларнинг жамиятдаги ва ҳокимият тузилмаларидаги фаолиятини кучайтиради, бундан буёнги демократик ўзгаришларга кенг йўл очади, ҳокимият турли тармоқлари ўртасидаги мувозанатни янада мустаҳкамлайди, юртимизда барқарорлик сақланишига, жамиятни демократлаштириш ва мамлакатни модернизациялаш жараёни янада теранлик касб этишига кўмаклашади.

Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси мажлисида ана шу ҳуқуқий ҳужжатлардан ташқари бошқа қонунлар, хусусан, тузнинг йодланиши тизимини такомиллаштириш ҳамда йод етишмаслиги касалликларининг режали асосдаги профилактикаси юзасидан тезлик билан чоралар кўрилишини таъминлашга, мамлакат аҳолисининг соғлиғини тубдан яхшилашга, йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси соҳасида давлат бошқарувини йўлга қўйишга қаратилган «Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги, фуқароларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш, халқлар ўртасида тинчлик, дўстлик ва тотувликни мустаҳкамлашга кўмаклашиш, низоларнинг олдини олиш, оиланинг жамиятдаги нуфузи, ўрни ва аҳамиятини ошириш ҳамда бошқа мақсадларда мужассам топадиган хайрли фаолият – ҳомийликка бағишланган «Ҳомийлик тўғрисида»ги қонунлар ҳам кўриб чиқилди. Ҳомийлик тўғрисидаги қонунда юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийликни ихтиёрий равишда ҳамда монеликсиз амалга оширишга бўлган ҳуқуқи мустаҳкамланиб, пул маблағлари ва бошқа моддий маблағлар бериш, шунингдек, бошқа шаклда ёрдам кўрсатиш ҳомийлик ҳисобланмайдиган ҳоллар белгилаб қўйилмоқда. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги қонун ҳам кўриб чиқилди.

Сенатнинг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси аъзолари ҳам тўққизинчи ялпи мажлис кун тартибига киритилаётган масалаларни муҳокама қилдилар.

Парламент юқори палатаси аъзолари мажлисларда бўлажак ялпи мажлиснинг дастлабки кун тартибидаги масалалар билан бир қаторда Сенатнинг 2006 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни ҳам кўриб чиқдилар, ваколатлари доирасига кирадиган бошқа масалаларни муҳокама қилдилар.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати.**



Темур ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.

---

*Мамлакатимизда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси томонидан учта маърифий соғломлаштириш дастури амалга оширилаётир. Бу дастурлар ижросидан кўзланган асосий мақсад болаларнинг ҳар томонлама соғлом бўлишига эришишдир. Ушбу дастурлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими вазирликлари ҳамда «Проктер энд Гэмбл» компанияси билан биргаликда ҳаётга жорий этилмоқда.*

## ҲАМИША СОҒЛОМ БЎЛ, БОЛАЖОН!

Тошкентда ўтказилган учрашув Ижтимоий ҳимоя йилида кўзда тутилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, ушбу дастурлар кўламини кенгайтиришга бағишланди. Унда ўсиб келаётган авлодга таълим бериш ва уларнинг соғлиғини сақлаш билан шуғулланувчи давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Юртимизда болаларга ғамхўрлик кенг кўлам касб этган бўлиб, бу ишга жамиятнинг барча тузилмалари жалб этилган. Соғлом турмуш тарзи инсон ҳаётининг илк йилларидан шаклланади, шу боис болалар ва оналарнинг ўз соғлиғини асраш, гигиена қоидаларига риоя қилиш кўникмаларини тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 1998 йилдан бери республикамизда амалга оширилаётган маърифий дастурлар айнан шунга қаратилган, деб таъкидлади учрашувни очар экан «Соғлом авлод учун» жамғармаси директори Д.Олимжонова.

(Давоми 2-бетда).

---

## ШҲТ БОШ КОТИБИНИНГ ТАШРИФИ

***Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) Бош котиби Б.Нургалиев 27-28 март кунлари Тошкентда бўлди.***

Ташриф доирасида Б.Нургалиев М.Субановнинг ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (МАТТ) Ижроия қўмитаси директори лавозимида фаолият бошлашига бағишланган маросимда иштирок этди.

Б.Нургалиев Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойларини бориб кўрди, жумладан, пойтахтимиздаги Темурийлар тарихи давлат музейи билан танишди.

**(ЎзА).**

---

## ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Кенгашининг тўққизинчи мажлиси тўғрисида ахборот

***Тошкентда 28 март куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (МАТТ) Кенгашининг навбатдаги тўққизинчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси, Россия Федерацияси, Қозоғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси вакиллари иштирок этди.***

Мажлисда ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитаси директори М.Субановнинг Кенгашнинг саккизинчи мажлиси (Пекин шаҳри, 2006 йил 29 сентябрь) қарорларининг ижроси ҳақидаги ахбороти тингланди, ШҲТ МАТТ Кенгашининг ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари Кенгашига МАТТнинг 2006 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботининг лойиҳаси маъқулланди. ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитасининг ўтган даврдаги фаолиятига ижобий баҳо берилди ҳамда 2007 йилга мўлжалланган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича фикр-мулоҳаза ва тавсиялар билдирилди.

Кенгаш ташкилий-кадрлар, ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитаси фаолиятининг молиявий таъминоти ва ШҲТга аъзо давлатларнинг террорчилик, айирмачилик ва экстремизмга қарши курашдаги ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосини шакллантиришни давом эттиришга доир масалалар юзасидан қатор муҳим қарорлар қабул қилди.

ШҲТ МАТТ Кенгашининг навбатдаги мажлисини 2007 йилнинг сентябрида Россия Федерациясида ўтказишга келишиб олинди.

Кенгаш мажлиси амалий ва самарали руҳда ўтди.

**(ЎзА).**

---

# *Воқеалар, янгиликлар, хабарлар*

## Халқаро валюта жамғармаси Ўзбекистоннинг иқтисодий истиқболини ижобий баҳоламоқда

*Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) Ўзбекистон Республикасида 2005-2006 йиллар давомида амалга оширилган молиявий-иқтисодий сиёсат натижаларини юқори баҳолади. Бу ҳақда «Праймс-Тасс» ахборот агентлигининг веб-сайтида эълон қилинган хабарда айтиб ўтилган.*

**ХВЖ**нинг февраль ойида якунланган Ўзбекистон иқтисодиётига бағишланган йиллик шарҳида ҳисобот даврида ялпи ички маҳсулотнинг реал ўсиши 7 фоиздан ошгани, тўлов баланси катта профицит билан бажарилгани, олтин-валюта захиралари муттасил равишда ўсгани ва инфляция суръати пасайиб боргани таъкидланади. ХВЖ экспертларининг фикрича, Ўзбекистон бундай муваффақиятларга қишлоқ хўжалиги, саноат ишлаб чиқариши, транспорт ва коммуникация соҳаларидаги ўсиш, шунингдек, макроиқтисодий сиёсатнинг тўғри йўналтирилгани ҳамда юзага келган қулай ташқи иқтисодий шароит туфайли эришган.

Шарҳ натижаларини муҳокама қилар экан, ХВЖ директорлар кенгаши аъзолари Ўзбекистоннинг яқин келажакдаги иқтисодий истиқболлари ижобий бўлишини таъкидлади.

**«Жаҳон» АА.**

## ЭШИТДИНГИЗМИ?

**Шоколаднинг хусусиятларини ўрганишда давом этаётган олимлар шов-шувли янгилик кашф этдилар. Улар таркибида эпикатехин моддаси аниқланган какаонинг шифобахш хоссаларини топишди.**

**Шифокорларнинг айтишича, какао тиббиёт учун ўз вақтида пенициллин қандай аҳамият касб этган бўлса, шунчалик муҳим бўлиши мумкин. Гарвард тиббиёт мактаби профессори Норманн Холленбергнинг ҳисоблашича, айнан эпикатехин қон босимини туширишда ва юрак-қон томирлари касаллигига қарши курашишда асосий омилдир.**

## ҲОВЛИ ТЎЙИ

**2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили**

Қоровулбозордаги нефтни қайта ишлаш заводи муҳандиси Рўзимурод Остонаевнинг орзуси ушалди. Наврўз шодиёналари давом этаётган шу кунларда серфарзанд оила бошлиғига янги уйнинг калити топширилди. Заводнинг яна 14 ишчи ва муҳандиси нефтчилар шаҳарчасида қад ростлаган шинам, барча қулайликларга эга янги уй билан таъминланди. Уй-жой қурилиши учун корхона 900 миллион сўмга яқин маблағ сарфлади.

Корхона раҳбарияти жамоанинг иш ва яшаш шароитини яхшилаш масаласига устувор вазифа сифатида эътибор қаратади. Ўтган йили қирқдан зиёд ишчи-хизматчи ҳовли тўйини ўтказган бўлса, жорий йилда 50 оила учун уй-жой қуриш кўзда тутилмоқда.

**Э. ЁДГОРОВ,
ЎзА мухбири.**

### ДУНЁ НИГОҲИ

**— Ўзбекистонда илк бор бўлишим. Одамларнинг очиқ чеҳраларини кўриб, маҳаллий аҳоли билан суҳбатда бўлиб, тараққиёт ва демократлаштириш йўлидан дадил одимлаётган Ўзбекистон юксак ҳурматга лойиқ бўлган мамлакат эканига гувоҳ бўлдим. Бу ердан улкан таассуротлар билан қайтар эканман, юртингизга авваλроқ келмаганимга афсусландим.**

**Вурал ОГЕР,
Германиянинг Европарламентдаги депутати.**

## Тўқийди, тикади ва четга сотади



«Олтинкўлтекстил»нинг кенг, ёруғ цехлари Тайвань, Туркия мамлакатларининг замонавий технологиялари билан қайта жиҳозланди. АҚШнинг «Евро-Англо» компанияси билан ҳамкорликда тўғридан-тўғри жалб этилган 3 миллион 200 минг доллар миқдоридаги сармоя корхонани тўла модернизация қилишдан ташқари, 220 дан ортиқ янги иш ўринлари вужудга келиши имконини ҳам берди.

Олтинкўлликларга ажойиб кўклам туҳфаси бўлган Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси йил давомида 1 минг 350 тонна матони қўлдан чиқаради — тўқийди, бўяйди, қуритади, тикади ва ниҳоят бежирим кийимларни хориж бозорига чиқаради. Маҳаллий ёшларнинг «PAI LUNG» русумли дастгоҳлари ёрдамида қўлдан чиқарилаётган матолар ўзининг нафис ва жозибадорлиги билан мижозлар эътиборини тортмоқда.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.**

---

# ЭЪТИРОФНИ БЕШ АСР КУТГАН ИХТИРО

## *Пенроуз нақшларининг сири нимада?*

***Шу йилнинг февраль ойида «Сайнс» журналида босилган америкалик олимлар Питер Лу ҳамда Паул Стейнхардтнинг ўрта аср ислом меъморчилиги ҳақидаги мақоласи илмий шов-шувга айланди. Мақола муаллифларининг фикрича, ўрта аср мақбара, масжид ва саройларининг деворларини безаб турувчи кошинкор нақшлар асосида ХХ асрнинг 70-йилларида европалик олим Рожер Пенроуз кашф этган геометрик қонунлар ётади. Аён бўляптики, Шарқ меъморлари бу қонунларни европалик ҳамкасбларидан бир неча аср аввал англаб етишган ва уларга амал қилишган.***



### Фахр

Ҳозирги замон фанидаги кўплаб кашфиётлар сингари бу ихтиро ҳам бағоят тасодифан рўй берди. Гап шундаки, Гарвард университетининг аспиранти Питер Лу сайёҳ сифатида 2005 йилда Ўзбекистонга келган. Бухородаги Абдуллахон мадрасасининг деворий безакларига боқар экан, унинг кўз ўнгида мураккаб Пенроуз геометрик шакллари намоён бўлади.



*Питер Лу эътиборини жалб этган Абдуллахон мадрасасининг ички кўриниши.*

Шундан сўнг Самарқанддаги кўплаб обидаларнинг безакларидаги нақшларнинг шакллари ҳам унинг тахминлари тўғрилигини тасдиқлади. У ўз юртига қайтгач, тахминлари ҳақида талабалик диплом иши раҳбари, Принстон университети профессори Паул Стейнхардтга сўзлаб берди. Шундан сўнг ўрта аср мусулмон меъморчилиги ёдгорликларидаги деворий безак ва нақшларнинг тузилишини синчиклаб ўрганиш Питер Лу тахминларининг тўғрилигини тасдиқлаб, юқорида тилга олинган илмий мақоланинг яратилишига сабаб бўлди.

«Жаҳон» ахборот агентлигининг ОАВда чоп этган бу кашфиёт ҳақидаги маълумотлари мамлакатимиз илмий ва маданий доираларида катта қизиқиш уйғотди ва қизғин мунозараларга сабаб бўлди. Жамоатчиликнинг мазкур масалани тушунишга бўлган қизиқишини инобатга олиб ушбу мақола эътиборингизга ҳавола этилмоқда. Лекин Питер Лу ва Паул Стейнхардт кашфиётининг моҳиятини англаш учун паркет ҳақидаги масала, квазикристалл тузилиши, «олтин нисбат» ва бошқа тушунчалар билан танишиш лозим бўлади.

### Паркетлар масаласи

Математикада текисликни оралиқ қолдирмай ёки устма-уст қопламай, кўпбурчаклар билан тўлдириш паркетлар деб юритилади. Текисликни тўғри учбурчак, квадрат ва олтибурчаклар билан қоплаш воситасида бу масаланинг осон ечилиши қадимги юнонларга ҳам маълум эди. Масалан, мана бундай:



Айни вақтда, тўғри бешбурчаклар бундай панжаранинг бўлаклари бўла олмайди, чунки уларни текисликда очиқ жой қолдирмай бир-бирига зич қилиб жойлаштиришнинг иложи йўқ. Етти, саккиз, тўққиз, ўн ва ҳоказо бурчаклар ҳақида ҳам шундай фикрни айтиш мумкин. Аста-секин текисликни ҳар хил кўриниш

(Давоми 4-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси олдидан

*Юқори палатанинг бугун бошланадиган навбатдаги ялпи мажлисида муҳокама этиладиган "Ҳомийлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни фуқароларимизда алоҳида қизиқиш уйғотмоқда. Сенатнинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Эркин ВОҲИДОВ билан суҳбатимиз ушбу қонуннинг мазмун-моҳияти, ҳомийларга давлат томонидан берилаётган имтиёз ва кафолатлар тўғрисида бўлди.*



# ҲОМИЙЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОРИ

— «Савоб ишни ҳар ким қилиши керак ва ҳар кун қилиш керак», деган Президент Ислом Каримовнинг машҳур сўзлари бор, — дея гап бошлади қўмита раиси. — Бу ҳикмат кун сайин ҳаётимизга сингиб бормоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар, янгиланишлар, ўзгаришларнинг барча-барчаси инсон ва унинг манфаатлари учун хизмат қилмоқда. Беминнат ҳомийлик ёрдами кўрсатиш, бева-бечора ва етимларнинг бошини силаш, муҳтож кишиларга мададкор бўлиш каби фазилатлар юртимизда миллий қадрият даражасига кўтарилганига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. "Қўли очиқнинг йўли очиқ", "Бирни берганга мингни беради" каби нақлларни ўзлари учун дастуриламал деб билган саҳий, серҳиммат кишилар халқимиз орасида азал-азалдан кўп бўлган. Масалан, Ҳазрати Алишер Навоий сиймосини кўз олдингизга келтиринг. Навоийнинг Навоийлиги унинг буюк шоир, олим, донишманд эканлигидагина эмас, балки ул зотнинг саховатпешалигида ҳамдир. Ул зот ўз маблағлари ҳисобидан мамлакатнинг қатор шаҳар ва қишлоқларида ўнлаб мадрасалар, работ ва кўприклар қурдирганлар. Шунингдек, у кишининг ҳузурларига кўмак сўраб келганларнинг ҳожати чиқарилган, ҳар кимнинг эҳтиёжига яраша мурувват кўрсатилган. Айтишларича, бу билан Навоийнинг бойлиги асло камаймаган, аксинча кўпайиб борган экан. Муборак китоблардаги "Саховат йўлини беркитмагил, Аллоҳ таоло ҳам сенинг учун саховат йўлини беркитмагайдир" деган ҳикматнинг ҳаётий исботини ҳам айнан улуғ бобомиз амалларида кўрамиз.

Бундай фидойилар ҳозир ҳам орамизда кўп. Ўтган "Ҳомийлар ва шифокорлар йили"да бу борадаги ишлар янги босқичга кўтарилди. Юртимизда кўплаб эзгу юмушлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Эзгулик қилишни ўз олдиларига мақсад қилиб олган саҳий юртдошларимиз саъй-ҳаракатлари туфайли мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида туб бурилиш ясалди. Дастур доирасида 280 миллиард сўмлик амалий ёрдам кўрсатилди, кўп фарзандли, ёрдамга муҳтож оилаларга 10 миллиард сўмдан зиёд маблағга қорамол олиб берилди. Кам таъминланган оилаларнинг фарзанди бўлмиш 725 минг нафар бошланғич синф ўқувчиларига 16 миллиард сўмликдан ортиқ кийим-кечак берилди. 161 та болалар мажмуаси фойдаланишга топширилди.

Таклиф этилаётган "Ҳомийлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни Президентимиз ва ҳукуматимиз эътиборида турган ҳуқуқий ҳужжатдир. Уни яратиш юзасидан қизғин ишлар олиб борилди. Сенатнинг навбатдаги ялпи мажлиси муҳокамасига киритилаётган мазкур қонун катта изланишлар мевасидир. Ишчи гуруҳи кўрган мазкур қонун айни пайтда маъқуллаш учун тайёрланмоқда. Қонунда ҳомийлик, саховатпешалик кафолатлари белгиланган. Шунингдек, ҳомийларга бериладиган имкониятлар, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалалари акс эттирилган.

**— Қонуннинг асосий мақсади нималардан иборат ва у ҳуқуқий жиҳатдан қандай амалга оширилиши ҳақида ҳам тўхталсангиз.**

— Қонуннинг асосий мақсади ҳомийлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Масалан, унинг 3-моддасида ҳомийлар, ҳомийлик, ҳомийлик ташкилотлари ва ушбу йўналишдаги бошқа асосий тушунчалар ўз ифодасини топган. 4-моддада эса ҳомийлик қандай мақсадларда амалга оширилиши белгиланган. Жумладан, бундай фаолият фуқароларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя этиш, кам таъминланганларнинг моддий аҳволини яхшилаш, ногиронларни ва бошқа шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш борасида амалга оширилиши қайд этилган.

Бундан ташқари, ҳомийлик халқлар ўртасида тинчлик, дўстлик ва тотувликни мустаҳкамлаши, ижтимоий, миллий, этник, диний низоларнинг олдини олиши билан бир қаторда, оиланинг жамиятдаги нуфузи ва ўрнини кучайтиришга, оналик, болалик ва оталикни ҳимоя қилишга кўмаклашиши белгиланган. Шунингдек, таълим, фан, маданият, санъат, маърифат, шахснинг маънавий камол топишига, касалликлар профилактикаси ва фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасидаги фаолиятга, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга ёрдам бериш, фуқароларни маънавий-руҳий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш каби муҳим йўналишларни ҳам қамраб олган.

**— Ушбу қонунга кўра ҳомийликни кимлар қилиши мумкин?**

— Қонун бўйича ҳомийликни юридик ва жисмоний шахслар ихтиёрий равишда ҳамда монеликсиз амалга ошириш ҳуқуқига эга. Бунда улар саховатпешаликни якка тартибда ёки биргалашиб, ҳомийлик ташкилотини ташкил этиб ёки ташкил этмаган ҳолда ҳам амалга оширишга ҳақлидирлар. Шу билан бирга, мазкур ҳужжатнинг 11-моддасида ҳомийлик дастури ҳақида сўз юритилган. Ҳомийлик дастури — ҳомийлик ташкилотининг юқори бошқарув органи томонидан тасдиқланган ва ана шу ташкилот уставида белгиланган мақсадларга мос келадиган вазифаларни ҳал қилишга қаратилган тадбирлар мажмуидир.

**— Ҳомийларга давлат томонидан кафолатлар берилиши, уларни қўллаб-қувватлаш қай йўсинда жорий этилади?**

— Албатта, ҳомийларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари давлат томонидан кафолатланади. Шу билан бирга, уларнинг ҳомийлик фаолияти мақсадларини ва ушбу йўналишдаги ишларни амалга ошириш шаклларини танлаш эркинлигини чеклашга йўл қўйилмайди.

Қонунда давлат ҳомийликни қўллаб-қувватлаши ҳам қайд этилган. Масалан, давлат ҳомийлик ташкилотлари ишлаб чиқадиган дастурлар ва ижтимоий буюртмаларни танлов асосида молиялаштириши, мол-мулкини ҳомийлик ташкилотларига қонун доирасида бепул ёки имтиёзли равишда мулк қилиб бериши мумкинлиги кўрсатилган. Шунингдек, давлат мулки бўлган бинолар, жойлар ва бошқа мол-мулк ижараси ҳақини тўлаш бўйича имтиёзлар бериб, ҳомийлик ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга кўмаклашиши, ҳомийлар, кўнгиллилар ҳамда ҳомийлик ташкилотларини рағбатлантириш ҳуқуқи белгиланган.

Давлат ҳомийликни қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шаклларда ҳам қўллаб-қувватлаши мумкин. Хулоса қилиб айтганда, мазкур қонун юртимизда ҳомийлик, саховатпешаликни амалга ошириш учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратади.

**Глеб ПАВЛОВСКИЙ,**
**Россия Самарали сиёсат жамғармаси президенти:**

— Ўзбекистонда мамлакатни модернизациялаш ва унинг тараққиётига хизмат қилувчи сиёсий институтлар (жумладан, икки палатали парламент) тизимининг яратилиши, жамиятдаги барча кучлар ва манфаатларнинг умумий ишга биргаликда қўл уриши — бу улкан натижадир. Бундай натижа ҳозирги замонда «миллат бунёдкорлиги» дейилади. Ўзбекистон заковатли миллатни шакллантирди. Бундай тажриба бошқа мамлакатлар учун ҳам жуда-жуда самарали ва муҳимдир.

***"Халқ сўзи" мухбири Мақсуд ЖОНИХОНОВ суҳбатлашди.***

# ФИКРЛАР — ТУРЛИЧА, МАҚСАД — ЯГОНА

***Олий Мажлис Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси муҳокамасига киритилган қонунлар, табиийки, жамоатчиликни бефарқ қолдирмаяпти. Негаки, ҳар ким ўз тақдирини элу юрт келажаги учун дахлдор сезмоқда. Қатор қонун ҳужжатлари ҳақида турлича фикр-мулоҳазалар билдирилаётганлиги ўз йўлини ўзи белгилаётган инсонларнинг эзгу ҳаракатлари демак. Парламентимиз юқори палатасининг бугун очиладиган ялпи мажлиси кун тартибидаги масалалар бўйича билдирилаётган баъзи фикрларни эътиборингизга ҳавола этамиз.***

### Юксалишлар калити

**Файзулла ЛУТФИЕВ,**
**Миришкор туманидаги «Камалак» фермер хўжалиги раҳбари:**

— Ёшим 50 дан ошиб қолди. Маъмурий-буйруқбозликка асосланган даврларни яхши эслайман. Ўша кезлар фуқароларда қонунга ҳурмат туйғусини етарли даражада шакллантириб бўлмади. Борди-ю, бирон киши қонунга асосланиб, ўзининг ҳақлигини исботлашга уринса, кўпинча ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳаёт талабларига тўғри келмаслиги ёки партия сиёсатига зидлиги ва ҳоказолар рўкач қилинарди. Турган гапки, бу боқимандаликка, қонунни менсимасликка олиб келарди.

Бугун эса барча қонунни ўзини ҳимоя қилувчи қўрғон, деб билмоқда. Ҳатто ҳуқуқий ҳужжатлар яратилишида фуқаролар билвосита иштирок этиб, ўз қарашларини ифода этаяпти. Юртимизда тинчлик ва осойишталик барқарор. Ватан ва миллатни қадрлаш, эъзозлаш туйғулари ботинимизда илдиз отмоқда. Қонунлар инсон бахт-саодати, демократик жамият тараққиёти ҳамда эл-юрт фаровонлиги учун дастуриламал бўлиб хизмат қилиши билан ўлчанаётганлиги эса янада қувончлидир.

Айни кунларда 230 гектар ерда деҳқончилик қилаяпман. Даромадим ҳам шунга яраша. Энг муҳими, самарали фаолият кўрсатишимиз учун зарур бўлган барча қонунлар мавжуд.

### Қонун ишлаши учун...

**Кароматилло НАЖМИДДИНОВ,**
**Тошкент давлат юридик институти магистранти:**

— Қонун қабул қилиш шунчаки иш эмас. У жуда катта заковат талаб этади. Бир қарашда соҳадан бехабар киши учун ҳаммаси оддий туюлиши мумкин. Аслида ундай эмас. Эндиликда мамлакатимиз парламентининг ҳар икки палатасида қонунни барчага бирдек тушунарли қилиб ифодалаш кўп меҳнат қилишни тақозо этмоқда. Устига-устак, ҳар қандай ҳуқуқий ҳужжатнинг қабул қилиниши анчагина мураккаб иқтисодий ҳисоб-китобни амалга оширишни ҳам талаб этади. Айтмоқчиманки, бугунги ялпи мажлис муҳокамасига киритилган қонунлар ҳам ана шу мезонлардан келиб чиқиб маъқулланишига ишончим комил.

### Энг мақбул йўл

**Хосият КАРИМОВА,**
**республика болалар кутубхонаси ходими:**

— Жамиятнинг бир меъёрда яшаши нафақат мукаммал ҳуқуқий тизим бўлишини, балки барча фуқаролар ва юридик шахсларнинг қонунларга сўзсиз итоат қилишини ҳам тақозо этади. Чунки қонун барча унга амал қилган тақдирдагина натижа беради. Биз баъзан қонунларнинг аҳамияти-ю, мазмун-моҳиятини соатлаб муҳокама қиламиз. Аммо ижросига келганда бироз оқсаб қоламиз.

Шу маънода, айтмоқчиманки, кўпинча ўрта бўғин раҳбарларнинг ўз соҳалари олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажаришлари учун зарур бўлган аниқ ҳуқуқий меъёрларни қанчалик билишлари кўпам текширилмайди. Ваҳоланки, вақти-вақти билан шу ишни амалга ошириб туриш фойдадан холи бўлмайди.

Дейлик, солиқ ходими нафақат савдо қоидалари ёки тақиқловчи қоидаларни, балки тавсия этувчи йўриқномаларни, ўз мажбуриятларини, шунингдек, солиқ тўловчиларнинг шаъни, қадр-қимматини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунларни ҳам билиши керак. Мақсадимиз ҳуқуқий давлат қуриш экан, унга борадиган йўл битта: қонун талабларини сўзсиз ва беистисно бажариш!

**«Халқ сўзи» мухбири Ф. САНАЕВ тайёрлади.**

## ҲАМИША СОҒЛОМ БЎЛ, БОЛАЖОН!

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Балоғат даври» дастури қизларнинг айни шу ёшдаги ривожланиш даврида амал қилиши лозим бўлган гигиена қоидаларининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида хабардор қилишга қаратилган. Бу дастур бўйича машғулотларда ҳаммаси бўлиб 248 минг ўқувчи қиз қатнашди. Ўтган давр мобайнида стоматологик касалликларнинг олдини олишга қаратилган «Жозибадор табассум» дастури 500 мингга яқин иккинчи синф ўқувчисини қамраб олди. «Соғ тан – соғлом бола» дастурида иштирок этган 170 мингдан ортиқ хотин-қиз «Ёш она» мактабида чақалоқларни парваришлаш сирларини ўрганди.

Жойларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, оилаларда маънавий-руҳий муҳитни яхшилашга қаратилган суҳбатлар ўтказилмоқда. «Оила» илмий-амалий маркази директори В.Каримова, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи К.Ёдгорова учрашув қатнашчиларига шулар ҳақида сўзлаб берди.

Соғлом турмуш тарзи кўникмаларига ўргатишнинг бундай шакллари самарали эканлиги тажрибада яққол намоён бўлди. Биринчи навбатда, бу Ўзбекистонда аҳолини умумий соғломлаштиришга қаратилган дастурларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши натижасидир, деб таъкидлади «Проктер энд Гэмбл» компаниясининг Марказий Осиё ва Кавказ бўйича бош менежери Ханс Девале.

Бу йил давлат ва жамоат ташкилотларининг биргаликдаги ишлари кўлами янада кенгайтирилади. Ўсмирлик даври гигиенаси бўйича машғулотларда Тошкент, Андижон, Бухоро, Навоий, Наманган, Самарқанд ва Фарғонадаги ўрта мактабларнинг яна 36,5 минг нафар олтинчи синф ўқувчи қизлари қатнашади. Айни вақтда 34 мингдан ортиқ иккинчи синф ўқувчиси жозибадор табассумни қандай сақлаб қолиш мумкинлигини билиб олади. Ўқув курси якунлангач, улар орасида соғлом турмуш тарзи ҳақида ҳикоя қилувчи энг яхши ижодий иш танлови ўтказилади. 2007 йилда 33 мингга яқин ёш она гўдакларни тўғри парваришлаш юзасидан маслаҳатлар олади. Маҳаллалар билан ҳамкорлик ҳам кенгайтирилади. Учта асосий дастур бўйича машғулотларни махсус тайёргарликдан ўтган тажрибали шифокорлар — гинеколог, стоматолог, педиатрлар ўтказади.

**Анна ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори асосида Қорақалпоғистон Республикаси кутубхонаси ҳам ахборот-ресурс марказига айланди.*

### Ахборот — олтиндан қиммат

230 мингдан ортиқ китоб фондига эга бўлган бу марказ замонавий компьютерлар билан жиҳозланди, 785 номдаги янги адабиётлар, 80 номдаги газета ва журналлар олиниб, ахборотга муҳтож мижозларга етарли шарт-шароитлар яратиб берилди.

— Эндиликда бизга мурожаат қилган мижозлар ўзлари учун зарур бўлган ахборот ресурсларини зудлик билан олиш имкониятига эга бўлишди, — дейди марказ директори З. Сафарова. — Электрон адабиёт тизими яратилиб, интернет орқали маълумот олиш амалиётини йўлга қўйдик.

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# «Ровот»дан эл баҳраманд



*Мамлакатимиз тиббий хизмат тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар тобора чуқурлашиб, янгидан-янги самаралар бермоқда. Жумладан, ҳозирги кунда республикамизда қишлоқ врачлик пунктлари (ҚВП) сони 3 мингдан ошди. ҚВПлар қишлоқ аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини тубдан яхшилаш учун барча шарт-шароитларга эгалиги билан диққатга сазовордир. Уларнинг фаолияти замонавий ташхислаш ва даволаш ускуналари, турли йўналишдаги малакали шифокорлар билан мустаҳкамланмоқда.*

*Навбатдаги яна бир ҚВП яқинда Андижон туманидаги Ҳакан қишлоғида ўз эшикларини элга очди. «Ровот» деб ном олган бу шифо маскани 10 минг 600 дан зиёд аҳолига мўлжалланган. Қишлоқ врачлик пунктида кундузги стационар, стоматология, болаларни эмлаш, таҳлилхона, муолажа хоналари мавжуд. Унда 2 нафар умумамалиёт шифокори ҳамда 10 нафар ўрта тиббиёт ходими хизматидан аҳоли баҳраманд бўлмоқда.*

*«Ровот» қишлоқ врачлик пункти Ҳакан қишлоғи аҳлига Ижтимоий ҳимоя йилининг ажойиб бир тортиғи бўлди.*



СУРАТЛАРДА: болалар шифокори Моҳидил Исоқова кўрик пайтида; «Ровот» қишлоқ врачлик пункти кўриниши.

**Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.**

# МАДАНИЯТ хабарлари

***Наврўз байрами кунларида Тошкентдаги «Янги авлод форуми» болалар ижодиёти марказида ташкил этилган байрам концерти бу ерда шуғулланаётган ёш истеъдодлар ишининг биринчи кўриги бўлди. Иқтидорли болалар санъат ва фаннинг турли соҳаларида ўз истеъдодини намойиш этдилар.***

## Ёш истеъдодлар маркази

Марказ «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ташаббуси билан яқинда очилган бўлса-да, ёш тошкентликларга яхши таниш. Ўсиб келаётган авлодни халқимизнинг маданий қадриятларидан баҳраманд қилиш, миллий амалий санъатимизнинг қадимий анъаналари ва сир-асрорларини сақлашга ўргатиш ҳамда истеъдодли болаларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш марказнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади, Ўқитиш мусиқа, дунё халқлари рақслари, актёрлик маҳорати, дастурлаш ва компьютер дизайни, шахмат, тасвирий санъат, чет тиллар каби йўналишларда олиб борилмоқда. Интеллектуал ривожланиш, ёш мухбирлар клублари фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар ҳам билим олади, ҳам касб сирларини эгаллайди.

Таъкидлаш жоизки, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг бошқа муассасаларидаги каби ушбу марказда ҳам машғулотлар бепул ўтказилади. Бугунги кунда жамғарма кўмагида пойтахтимизда, шунингдек, Самарқанд шаҳрида санъат ва болалар ижодиёти марказлари, Тошкентда болалар спорт мажмуи фаолият кўрсатмоқда. Келгусида болалар ўзлари қизиққан фанлар бўйича қўшимча билим олиши мумкин бўлган бундай марказлар тармоғини бутун республика бўйлаб яратиш режалаштирилган.

**(ЎзА).**



## Ардоқдасан, баҳорим

***Қашқадарёда Наврўз тантаналари ғоят кўтаринкилик билан давом этмоқда.***

Байрам кунлари вилоятнинг барча туманларида, хусусан ўзининг 2700 йиллик тўйини кенг нишонлаган Қарши шаҳрида халқ ҳунармандлари, амалий санъат усталарининг кўргазмалари ташкил этилди. Халқ ўйинлари танлови ўтказилди.

Ёш эстрада юлдузлари, санъат усталари ва спортчиларнинг чиқишлари, юртимизнинг ардоқли кишилари билан учрашувлар, давра суҳбатлари, фольклор дасталарининг чиқишлари байрамга ўзгача руҳ бахш этди.

## «Сарбози» пойтахтга боради

***Самарқанд шаҳри улкан байрамлар ҳавоси билан нафас олмоқда. Бу йил ўзининг 2750 йиллигини нишонлайдиган қадимий шаҳарда фольклор этнографик жамоалари кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.***



Унда Каттақўрғоннинг "Сарбози" гуруҳи ғолибликни қўлга киритди. Қадимий анъаналаримизни тараннум этувчи қўшиқлар, театрлаштирилган саҳна кўринишлари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Момолар ижросидаги чанқовуз оҳанги, най наволари кўнгилларни сел қилди. Энди «Сарбози» танловнинг республика босқичида иштирок этади.

## Она юрт наволари

***Наманганда бўлиб ўтган "Она юртим наволари" деб номланган эстрада қўшиқлари танлови ўндан зиёд ёш истеъдодларни кашф этди.***



Танловнинг вилоят босқичида вилоят халқ академик бадиий жамоалари дирекцияси хонандаси Ойпошша Улуғхўжаева ғолиб бўлди. Косонсойлик Гулноза Иззатуллаева ва Абдуқаҳҳор Абдуллаевлар иккинчи, янгиқўрғонлик Моҳигул Ҳакимова ҳамда уйчилик Муқаддас Усмонова учинчи ўрин соҳиблари бўлишди. Энди улар пойтахтда ўтадиган "Она юртим наволари" танловининг республика босқичида вилоят шарафини ҳимоя қиладилар.

## Ўзбек рақслари шайдоси

***Ю. Коха Кунчиқар мамлакатнинг Ибараки шаҳридаги Арт Жаз Студио билимгоҳи талабаси. Ўзбек рақсларига ишқи тушган Коха бундан уч йил олдин юртимизга келиб рақс санъатини ўргана бошлаган эди.***



Ўтган йиллар давомида у Самарқанд ва Тошкентдаги хореография коллежларида рақснинг фарғонача, тошкентча, хоразмча усулларини қунт билан ўрганди. Айни пайтда бухороча рақсдан сабоқ олмоқда.

— Мен Японияга қайтгач юртдошларимга ўзбек халқ рақсларини ўргатмоқчиман, — дейди Ю. Коха. — Бундай нафис ва жозибадор рақс фақат юксак маданиятли халқда бўлиши мумкин.

***Хабарларни М. ХОЛМАТОВА ва М. КАРИМОВА тайёрлашди.***

# ЖАҲОН 24 соат ичида



## Сенат қўшинларни Ироқдан чиқариш тарафдори

АҚШ сенати аъзоларининг 50 нафари 2008 йилнинг март ойида мамлакат қўшинларининг Ироқдан олиб чиқиб кетилиши учун овоз берди. 48 нафар сенатор эса бунга қарши чиқди. Масалани Бушнинг Ироқдаги сиёсатига қаттиқ қаршилик қилаётган президентнинг партиядоши, республикачи сенатор Чак Хейгелнинг овози ҳал этди.

Америка конституциясига кўра, мамлакат вице-президенти сенат раиси ҳисобланади. Овозлар тенг келиб қолган пайтда у овоз бериш ҳуқуқига эга. Шунинг учун масала муҳокама қилинаётган пайтда амалдаги вице-президент Ричард Чейни Оқ уйдан Капитолий биносига келди ва овоз бериш натижаларини кутиб турди.

Мамлакат президенти Жорж Буш юқори палатанинг бу қароридан таассуфда эканлигини билдирди.



## Лавозимида қолди

*Исроил Олий суди «Соғлом ҳукумат учун ҳаракат» ташкилотининг мамлакат молия вазири Авраам Гиршзонни лавозимидан четлатиш тўғрисидаги талабни рад этди. Вазир «Ликуд» партиясини молиявий қўллаб-қувватлаш учун давлат маблағини ўзлаштирганликда айбланмоқда.*

*Судьянинг таъкидлашича, вазирни лавозимидан озод этиш оддий иш эмас. У жуда муҳим текширувни талаб қилади. «Соғлом ҳукумат учун ҳаракат» аъзолари судга мурожаат қилишдан олдин вазирнинг ўзидан истеъфога чиқишни талаб қилиши керак эди.*

*Сўнгги пайтларда Исроилда бир неча мансабдор шахслар коррупция ва мансабини суиистеъмол қилишда айбланиб, судга тортилди.*



## Космик юк кемаси океан тубида

**Чоршанба куни тунда чиқинди билан тўлдирилган «Прогресс М-58» космик юк кемаси Тинч океанининг белгиланган жойига чўктирилди. Бу ҳақда «Интерфакс» ахборот агентлиги хабар тарқатди.**

**Россиянинг Королёв шаҳридаги учишни бошқариш марказидан берилган хабарда айтилишича, «Прогресс М-58» халқаро космик станциядан автоматик тарзда ажралган ва пастга туша бошлаган. У беш соатда бутунлай сувга чўкиб бўлган.**

## Босқинчи қўлга олинди




Филиппин пойтахти Манила шаҳрида мактабгача таълим маркази бошлиғи шу муассасада тарбияланаётган 32 нафар бола ва 2 нафар тарбиячини гаровга олди. Болалар сайр қилиш учун автобусда шаҳар марказига олиб келинган эди. Associated Press хабарида айтилишича, шаҳар полицияси автобусни ўраб олган. Ўзини Жун Дукат деб таништирган босқинчи ҳукуматдан шаҳарнинг камбағаллар яшайдиган Тондо туманида истиқомат қилувчи 145 нафар болага бепул таълим ва яшаш учун жой беришини талаб қилмоқда. Гаровга олинган 32 нафар бола ҳам ўша туманда яшайди.

Сўнгги хабарларга қараганда, у ўз хоҳиши билан полицияга таслим бўлган.

**Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.**

## НУЖми ё метеорит?

Германиянинг Баден-Вюртемберг федерал ери аҳолиси сешанба куни кечаси ғалати манзаранинг гувоҳи бўлишди. Номаълум учувчи жисм (НУЖ) овозсиз ҳолда жанубдан шимолга ҳаракат қилган. Воқеага гувоҳ бўлганларнинг айтишича, ям-яшил НУЖ қизил-кўк из қолдириб учган.

Мангейм шаҳрида жойлашган «Самодаги кутилмаган ҳодисаларни ўрганиш маркази» ходимлари бу шов-шувли воқеани рад этишди. Уларнинг таъкидлашича, бу номаълум жисм метеорит бўлиб, атмосферанинг зич қатламларига киргандан сўнг ёниб, парчаланиб кетган.

## Муваффақиятсиз синов

Ўтган йилнинг октябрь ойида Корея Халқ Демократик Республикасида ўтказилган ядро қуроли синови муваффақиятсиз тугаган. Бу ҳақда ўтган чоршанба куни АҚШ Марказий разведка бошқармаси директори Майкл Хайден баёнот берди. Унинг таъкидлашича, Оқ уй КХДРни ядровий давлат деб ҳисобламайди.

Эслатиб ўтамиз, ўтган йилнинг 9 октябрида КХДРда ядро қуроли синовдан ўтказилган ва шундан сўнг расмий Пхеньян ўзини атом қуролига эга мамлакат, деб эълон қилганди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**кафедралардаги қуйидаги бўш лавозимларга танлов эълон қилади:**

| | | |
|---|---|---|
| 1. | Фармацевтик кимё кафедраси: | доцент (2), катта ўқитувчи. |
| 2. | Токсикологик кимё кафедраси: | ассистент (2). |
| 3. | Фармация ишини ташкил қилиш кафедраси: | доцент (2), катта ўқитувчи (2). |
| 4. | Ижтимоий фанлар кафедраси: | катта ўқитувчи. |
| 5. | Анорганик, аналитик ва физик-коллоид кимё кафедраси: | доцент (3). |
| 6. | Тиббий фанлар кафедраси: | катта ўқитувчи. |
| 7. | Тиллар кафедраси: | доцент (2), ўқитувчи (2). |
| 8. | Физика, математика ва ахборот технологиялари кафедраси: | профессор, доцент (2), катта ўқитувчи, ўқитувчи. |
| 9. | Жисмоний тарбия кафедраси: | катта ўқитувчи. |

*Танлов муддати — эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой.*

**Манзил: 700015, Тошкент ш., Мирobод тумани, Ойбек к., 45-уй.**
**Телефонлар: 153-32-46, 153-38-39. Факс: 153-45-04.**

**«Крокус Газ Сервис» ҚК**
**(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)**

«Газдевайс» ЁАЖ ва «Сигнал» ЭАБнинг (Россия) Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили бўлиб, турли русумли ва катталикдаги қозонларни таклиф этади:

- горелка ўрнатилган, газда ишлайдиган иситиш ва сув иситиш қозонлари *(200 кВт ва 400 кВт);*
- буғ қозонлари *(соатига 500 кг.дан 4000 кг.гача);*
- икки йўналишли (каналли) сув иситиш қозонлари *(100 кВт ва 200 кВт);*
- ерга ўрнатиладиган иссиқликни алмаштирувчи найсимон қозонлар *(7 кВт дан 16 кВт гача);*
- ерга ўрнатиладиган иссиқликни алмаштирувчи пластинкасимон қозонлар *(20 кВт дан 100 кВт гача);*
- ерга ўрнатиладиган иссиқликни алмаштирувчи икки контурли пластинкасимон қозонлар *(10 кВт дан 40 кВт гача).*

***Қозонлар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.***
***Барча қозонлар учун кафолат — 24 ой.***

**Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, С.Азимов ва «Ўзбекистон овози» кўчалари кесишган жойда (Мўлжал: Шастри ҳайкали, эски ҳайвонот боғи).**
**Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 176-77-34, 133-02-11.**



# ЗАМОНАВИЙ БОЗОР — БУ БИРЖА ДЕГАНИ

*Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёнида ҳаётимизга кириб келган бу тузилма такомиллашган, давр талабларига тўла жавоб бера оладиган замонавий бозор хизмати сифатида мулкнинг чинакам эгасини топиш ишларида фаол иштирок этмоқда. Буни, масалан, республика Кўчмас мулк биржасининг Наманган вилояти филиали фаолиятида ҳам кузатиш мумкин.*

**М**азкур филиал вилоят марказининг Нодира кўчасидаги муҳташам бинода жойлашган. Бу ерга ташриф буюрган кишиларнинг аксарияти ўз юмушини дарров битириб қайтади. Негаки, унда кўчмас мулк савдоларини ташкил этиш қонун-қоидалари, сотувга қўйилган мулклар ҳақидаги маълумотлар билан батафсил танишиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Айтайлик, сиз ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун дастгоҳ, тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун эса бино ёки автотранспорт воситасини харид қилмоқчисиз. Замонавий компьютер техникаси ва кўп тармоқли ишончли алоқа воситаларига эга биржанинг малакали мутахассислари бир зумда савдода мавжуд бўлган кўчмас мулк билан таништиради. Жараённинг кейинги қисми эса икки томонлама манфаатли шартнома асосида давом этади.

Филиалнинг иш бошлаганига яқинда ўн уч йил тўлади. Таъкидлаш кераки, ўтган давр ушбу жамоа учун катта тажриба мактаби бўлди. Аввалига саноқли автотранспорт воситаси ёки кичик-кичик бинолар сотуви билан бошланган савдолар кейинчалик тобора кенгайиб, улар сафига ишлаб чиқариш воситалари, йирик иншоотлар қўшилди. 2003 йилдан бошлаб филиал аҳли республика Кўчмас мулк биржаси томонидан жорий қилинган марказлашган электрон биржа савдоларида ҳам мунтазам қатнашиб келмоқда. Бу, ўз навбатида, сотувчи ва харидорларга мамлакатимизнинг исталган нуқтасида савдо муносабатларига киришиш имконини бераётир. Савдо-харид ҳажмидаги ўсишлар ҳам шунга яраша. Жумладан, ўн икки йил мобайнида филиалда 27461 та мулк бўйича 15 миллиард 64 миллион сўмлик савдо битимлари тузилди. Умумий савдо ҳажми кескин ортиб, 10,3 миллион сўмдан 3,4 миллиард сўмга етди. Биргина бултур ўтказилган юздан ортиқ савдоларда эса 1354 та мулк ўз эгасини топди.

Хўш, биржанинг ишончли савдо ташкилотчисига айланишининг асосий омиллари нимада?

— Энг аввало, савдолар ошкора тусда ўтаяпти, иштирокчилар учун тенг имкониятлар яратилмоқда, — дейди филиал директори Рустамжон Абдураҳмонов. — Шу мақсадда эълон ва билдирувлар хизматини пухта йўлга қўйганмиз. Бу борада вилоятдаги матбуот нашрлари, маҳаллий телевидение билан мунтазам ҳамкорлигимиз қўл келмоқда. Улар орқали ташкил этилажак биржа савдолари, харидорларга ҳавола этилаётган мулк ҳақидаги хабар ва маълумотлар савдо бошлангунга қадар бир неча бор маълум қилиб борилади. Яна бир омил шуки, савдо иштирокчилари бўлган барча мижозлар учун тенг имкониятлар қаторида клиринг хизмати ҳам кўрсатилаётгани ўз самарасини бераётир.

Электрон биржа савдолари ҳажми ортишида, шунингдек, биржа таянчи бўлган брокерларнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Чунки савдоларда мижозлар номидан шартнома-топшириқлар асосида айни мана шу касб эгалари профессионал иштирокчи сифатида қатнашадилар.

### Инфратузилма

Филиал тизимида айни чоғда 31 та брокерлик идораси фаолият кўрсатаётир. Уларнинг барчасида бозор муносабатларининг ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини пухта биладиган, замонавий компьютер техникаси ҳамда дастурий таъминотларини тўла эгаллаган мутахассислар меҳнат қилишади. Жумладан, «Интеррегионсервис» МЧЖ вакили Баҳодир Санжаров, «Ботир» кўп тармоқли хусусий фирмасидан Толибжон Исоқовлар биржа савдоларига кўпроқ барака киритишаяпти.

Маълумки, биржа савдолари бевосита филиалнинг ўзида, аукцион савдолари эса муайян жойларда ташкил этилади. Иккинчисининг қай даражада самарали ўтиши кўпроқ савдо ташкилотчиси бўлган аукциончига боғлиқ. Сабаби, жойлардаги шарт-шароит филиалдагидан анча фарқ қилади-да. Бу томондан ҳам кўнгил тўқ: Фахриддин Маматвалиев бошчилигидаги бўлим ходимлари ишни уюштириш борасида етарли тажриба тўплаган. Айниқса, Эргашали Аҳмедов ва Саиджон Содиқов сингари ёш мутахассисларнинг ғайрат-шижоати туфайли ҳар бир аукцион савдоси мавжуд қонунлар асосида ошкора, адолатли ўтказилаётгани қувонарлидир.

Бугунги кунда филиал ташкилотчилари эришилган кўрсаткичларни янада юқори поғонага кўтариш, хизматни тағин ҳам такомиллаштириш йўлида ҳаракат қилмоқдалар. Муҳими, барча саъй-ҳаракатлар мижозларга кўпроқ қулайлик яратиш, улар билан муносабатларни кенгайтиришга қаратилган. РКМБ тизимидаги барча филиаллар қаторида бу ерда ҳам жорий йилнинг биринчи мартидан эътиборан марказлашган биржа савдолари ҳафтасига аввалгидек уч кун эмас, балки барча расмий иш кунларида ташкил этилаётгани бунинг исботидир. Бу иш тартиби юртимиз тадбиркорлари ва хорижий инвесторларнинг биржа билан ҳамкорлигини мустаҳкамлашда янги имкониятлар эшигини очиши шубҳасиздир.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Ўтган йили ўзининг 2700 йиллигини нишонлаган Қарши шаҳрида амалга оширилган қурилиш, ободончилик, тарихий обидаларни тиклаш ишлари бугунги кунда ҳам кўпчиликни қизиқтирмоқда. Наврўз байрами арафасида жиззахлик бир гуруҳ фахрийлар бу ерга ташриф буюришди.*

## Қарши бизни мафтун этди



Шаҳар билан танишув Мустақиллик хиёбонида қад кўтарган «Эл-юрт таянчи» монументига гулчамбар қўйишдан бошланди. Қаршининг тарихий маркази — Регистон майдонидаги масжиду мадрасаларнинг таъмирлашдан кейинги кўриниши, янгидан бунёд этилган спорт иншоотлари, кенг ва равон кўчалар меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

— Биз Қарши шаҳрида бўлган ўзгаришларни телевизорда кўрган эдик, — дейди уруш ва меҳнат фахрийси Юсуф Холматов. — Ўз кўзимиз билан кўрганимиз ундан ҳам зиёда экан. Одина масжиди бугунги кунда қайта тикланиб, маънавий қадриятларни ўрганиш марказига айлантирилгани яхши бўлибди. Чиндан ҳам Қаршида савоб ишлар кўп қилинган экан. Буларнинг бари истиқлолимиз шарофатидандир.

**Б. НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**«ЎзДЭУавто» АЖ**

**«Эҳтиёт қисмлар электрон каталоги»**

**дастурини ишлаб чиқувчи ва татбиқ этувчиларни саралаб олиш бўйича танлов эълон қилади.**

***Таклифлар 2007 йил 6 апрелгача қуйидаги манзилда қабул қилинади: 100007, Тошкент шаҳри, Ҳ.Абдуллаев кўчаси, 30-уй, 407-хона.***

***Танлов шартлари ва қўшимча маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали олиш мумкин: 360-82-96, 360-88-01.***

Saniplast **«САНИПЛАСТ»** Ўзбекистон—Исроил қўшма корхонаси

Томчилаб суғориш тизимларини ишлаб чиқаришда кўп йиллик тажрибага эга бўлган Ўзбекистондаги ягона корхона.

**Пахтазор, токзор, боғ, сабзавот ва иссиқхоналарнинг томчилаб суғориш тизимларини лойиҳалайди, материалларни етказиб беради ва монтаж ишларини бажаради.**



***Сервис хизмати кўрсатиб, эҳтиёт қисмларни етказади. Мутахассисларимиз экинларни суғориш ва ўғитлашда маслаҳатлар беришади.***

Буюртма қилсангиз, хизмат сифатига кафолат берамиз.

**Мурожаат учун манзил: Ўзбекистон Республикаси, 700187, Тошкент ш., «Қорасув-4» мавзеси, 11-уй. Телефонлар: 65-18-56, 65-14-59.**

**Савдо ва пуллик хизматлар кўрсатиш соҳасининг барча жабҳаларида ҳисоб-китобларнинг пластик карточкалар орқали амалга оширилиши одатий ҳолга айланиб бормоқда. Чунки бу бутун дунёда тан олинган илғор молиявий тўлов воситасидир.**



**АТ «АЛОҚАБАНК» ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАРИ:**

**ҚУЛАЙ ВА ИШОНЧЛИ**



Пластик ҳамёндан республикамизнинг исталган бурчагида тўлов воситаси сифатида фойдаланиш имконияти мавжуд. Карточка эгаси унда чекланмаган миқдорда электрон пул сақлаши мумкин ва бу билан йирик харидларни амалга ошириш пайтида ўзи билан катта миқдордаги пул маблағларини олиб юришдан халос бўлади. Карточкадаги пул маблағлари унинг эгасигина биладиган пароль (Pin-код) билан ҳимояланган. Пластик карточка соҳиблари банк, савдо ва сервис шохобчалари томонидан ўрнатилган имтиёз ва чегирмалардан фойдаланиш имкониятларига эгадирлар.

Пластик карточкалар орқали тўловларни қабул қилиш терминаллари уй-жой-коммунал хизматлари, телефон, шу жумладан, уяли алоқа хизматлари учун тўловларни қабул қилиш шохобчаларида, алоқа бўлимларида, автомобилларга ёнилғи қуйиш ва турғун савдо шохобчаларида, авиа ва темир йўллар чипталарини сотиш кассаларида, ресторан ва меҳмонхоналарда, тижорат банклари бўлимларида ўрнатилган. Шунга кўра, пластик карточка соҳиби ундан фойдаланган ҳолда маҳсулот ва хизматлар учун нақд пулсиз тўловларни амалга ошириш, коммунал хизматлар, шунингдек, телефон алоқаси учун ҳисоб-китобларини ўтказиш, пластик карточкадаги маблағлар ҳисобидан банк бўлимларидаги терминаллар ва банкоматлардан нақд пул олиш ҳамда пластик карточкадаги маблағларини иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ўтказиш орқали тўлдириб бориш имкониятларига эга.

Яна бир афзаллик — банк томонидан пластик карточкадаги пул маблағи қолдиғига фоиз даромади тўланиб, ҳар ойда капитализация қилиб борилади. Демак, ушбу хизмат даромадни оширишнинг оддий усули ҳамдир.

АТ «Алоқабанк»да пластик карточка эгалари учун истеъмол кредитларини ажратиш йўлга қўйилган. Пластик карточкага ўтказилган маблағлар ҳисобидан қайтариладиган ушбу истеъмол кредитлари уй-рўзғор буюмлари ва маиший техника сотиб олиш, соғлиқни тиклаш ва даволаниш, тўй маросимларини ўтказиш каби мақсадларга ажратилади.

Ҳозирда «Алоқабанк» томонидан 20 000 дан зиёд сўм пластик карточкалари муомалага чиқарилган. Ушбу карточкаларнинг 97 фоизи банк мижозлари бўлган 200 дан ортиқ турли мулкчилик шаклидаги хўжалик юритувчи субъектларда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни амалга ошириш учун ишлатилмоқда.

Банкнинг мижозлари бўлган йигирмадан ортиқ корхона ва ташкилотларнинг буюртмаси асосида эса корпоратив карточкалар ҳам чиқарилган. Корпоратив пластик карточка ёрдамида савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарида товар ҳамда кўрсатилган хизматлар учун нақд пулсиз тўловларни амалга ошириш мумкин.

«Алоқабанк» сўм пластик карточкалари, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида ўрнатилган терминаллар қайси банкка тегишлилигидан қатъи назар, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ўтказиш ҳамда касса терминаллари ва банкоматлар орқали нақд пул олиш имкониятларини беради.

Пластик карточкаларга хизмат кўрсатиш мақсадида банк томонидан Тошкент шаҳри ва республика бўйича 346 та терминални ўз ичига олган тармоқ яратилган.

Банкда коммунал хизматлар ва телефон алоқаси учун аҳолидан тўловларни йиғишга алоҳида эътибор қаратилгани сабабли, терминалларнинг 80 таси почта алоқаси бўлимларида, 55 таси банкнинг филиаллари, жамғарма кассалари ва мини банкларда, 33 таси телефон алоқаси, шу жумладан, уяли телефон хизматлари учун тўловларни қабул қилувчи шохобчаларда ўрнатилган. Шунингдек, 178 та терминал турғун савдо ташкилотлари, АЁҚШлар ва бошқа пуллик хизмат кўрсатиш шохобчаларида жойлаштирилган.

АТ «Алоқабанк»да пластик карточкалар тизими орқали ўтказилаётган амалиётлар ҳажми йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Ўтган 2006 йил давомида пластик карточкалар бўйича транзакциялар сони 4 баробар ортиб, 328842 тани ташкил этди. Уларнинг суммаси 16 марта ўсиб, 6688 млн. сўмга тенг бўлди. Бу ижобий жараён 2007 йилда ҳам давом этмоқда.

Жисмоний шахсларнинг пластик карточкаларидаги пул маблағлари қолдиғи жорий йилнинг 2 ойи давомида 32,5 фоиз ошди. Бу, ўз навбатида, «Алоқабанк» пластик карточкаларига ишонч ва қизиқишнинг ортиб бораётганидан далолатдир.

**МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ**



**«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизида тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчиларни) таклиф этади.**

**МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ**

**(Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б ...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалик (МТЗ трактори негизида) ва махсус техникаларни таклиф этади.**



***Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.***

Маҳсулот сертификатланган.

**Манзил: 700005, Тошкент ш., Мирobод тумани, «8 Март» к., 57-уй. Телефон/факс: 191-64-06, 191-68-94. E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru**

# ЭЪТИРОФНИ БЕШ АСР КУТГАН ИХТИРО

## Пенроуз нақшларининг сири нимада?

(Давоми. Боши 1-бетда).

ва ўлчамдаги турли кўпбурчаклар билан тўлдириш усуллари ўйлаб топилди. Масалан, учбурчак ва тўртбурчакларни бир-бирига мослаб, текисликни мана бундай тўлдириш мумкин:



Масаланинг навбатдаги мураккаброқ шарти текисликни бир неча турдаги кўпбурчаклар ёрдамида нодаврий тарзда қоплаш эди. Кўп вақтгача бу масалани ҳал этиб бўлмайди, деб ҳисоблаб келишди. Ўтган асрнинг 60-йилларида масаланинг ечими топилди, бироқ бунинг учун минглаб ҳар турли кўпбурчаклардан фойдаланилди. Қадам-бақадам кўпбурчак турлари камайтирила борди ва, ниҳоят, XX асрнинг 70-йиллари ўрталарида Оксфорд университетининг профессори Рожер Пенроуз атиги икки турдаги ромблардан фойдаланиб, масалани ҳал қилди. Қуйида текисликни квазидаврий (яъни деярли даврий) $72^0$ ва $36^0$ бурчакли ромблар (улар «семиз» ва «ориқ» ромблар деб ҳам аталади) билан тўлдириш усули кўрсатилган.



Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, текисликни ромблар билан қоплашда маълум қоидаларга амал қилиш зарур. Кўринишидан оддий туюладиган бу тузилма жуда ажойиб хусусиятларга эга. Масалан, «ориқ» ромблар сонининг «семиз» ромблар сонига нисбатини оладиган бўлсак, бу нисбат ҳар сафар «олтин сон» — 1.618...га тенг бўлади. Ушбу «ноаниқ» сон, математиклар тили билан айтганда иррационал бўлгани учун, тузилма ҳам даврий эмас, балки деярли даврий бўлади. Аслида, бу сон, беш қиррали юлдуз — пентограммани ҳосил қилувчи ўнбурчаклар ичида мавжуд чизиқлар ўртасидаги нисбатни белгилайди. Расмда кўрсатилган ўнбурчаклар бир хил йўналишга эгаки, бу ҳол Пенроуз нақшини ташкил этувчи ромблар жойлашишини белгилайди. Шуниси ажабланарлики, ана шу соф геометрик шакл 1984 йилда кашф этилган квазикристалларни шарҳлаш учун энг мақбул математик модел экани маълум бўлди.

### Квазикристаллар нима?

Мақолага ушбу қисмни киритишдан мақсад, яна бир мисолда, олимларнинг киройи хаёлот меваси бўлган математик назария, кутилмаганда амалий татбиқини топганлигини таъкидлашдир.

Табиатдаги барча моддаларни икки гуруҳга ажратиш мумкин: бири — аморф моддалар бўлиб, уларда атомларнинг ўзаро жойлашишида қонуният, тартиб мутлақо йўқ, иккинчиси — кристалл моддалар бўлиб, батартиб жойлашганлиги билан характерланади.

Кристаллография қонунларидан маълумки, кристаллар учун биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи ва олтинчи тартибли симметрия ўқлари бўлиши мумкин, яъни табиатда паркетларга ўхшаш бешинчи тартибли симметрияли кристаллар мавжуд бўла олмайди. Бу ҳолат кўп ўлчамли фазода математик группалар назарияси асосида қатъий исботлаб берилган. Бироқ табиат ҳар доим ҳам ҳийлагина ихтирочи бўлиб чиқади. 1984 йилда Шехтман бошчилигидаги тадқиқотчилар гуруҳининг изланиш натижалари эълон қилинди. Унда бешинчи тартибли айлантирма симметрияли алюминийнинг марганец билан қотишмаси кашф этилганлиги хабар қилинган эди. Кейинчалик номаълум хусусиятли кўплаб шунга ўхшаш қотишмалар синтезланди. Ана шу қотишмалар квазикристаллар деб номланди ва ҳозир уларга аморф ҳамда кристалл ўртасидаги янги хусусиятларга эга оралиқ моддалар, деб қаралмоқда.

Квазикристаллар тузилишини моделлаш учун энг мақбул восита бўлган Пенроузнинг геометрик шакллари худди ана шу кашфиёт туфайли жуда машҳур бўлиб кетди ва янада ривож топди. Айнан шунинг учун университетда ўқитиладиган дарслар сирасига киритилди. Ҳозирги вақтда «ориқ» ва «семиз» ромбоэдрлар — ҳар бир томони ромбдан иборат олти қиррали шакллардан тузилган Пенроуз нақшининг уч ўлчамли умумлашмаси ҳам олинди.

### Обидаларимиз нақшлари геометрияси

Лу ҳамда Стейнхардт 3700 тага яқин нақшли безакларни таҳлил этиб, XIII аср бўсағасида барча мусулмон мамлакатларида мақбара, масжид ва бошқа иншоотларни беш хил кўпбурчак, яъни бешбурчак, олтибурчак, капалакнусха бўйинбоғ (мақола муаллифлари атамаси), ўнбурчак ва ромблардан тузилган даврий нақшлар билан безаш технологияси кенг тарқалган, деган хулосага келишди. Сирасини айтганда, бу — юқорида баён этилган паркетлар ҳақидаги масалани бешта «мусулмон» кўпбурчаклари тўплами ёрдамида ечиш эди. Улардан тузилган безак «гириҳ» (форсча — чигал тугун) деб аталади.



*«Мусулмонча» кўпбурчаклар. Ўрта аср қўлёзмасидан олинган расм.*

Расмдан кўриниб турибдики, барча кўпбурчак қирраларининг ўлчамлари бир хилдир, бу эса уларни исталган томони билан туташтириш имконини беради. Бундан ташқари, ҳар бир тахтача-кўпбурчакда нақшинкор чизиқлар мавжуд, лекин улар қатъий геометрик қоидаларга биноан чизилган: нақшнинг ҳар қандай икки чизиғи ҳар бир томон ўртаси билан $72^0$ ёки $108^0$, яъни $36^0$ га каррали бурчак остида туташади. Бу ҳол бир тахтачадан иккинчи тахтачага ўтишда нақшнинг узлуксизлигини таъминлайди.

Бундай нақшни яратиш учун циркуль ва чизғич бўлиши кифоя. Дарвоқе, америкалик олимлар кашфиётига қадар ўрта осиёлик усталар бино нақшларини туширишда фақат чизғич ва циркуль сингари оддий асбоблардан фойдаланишган, деб ҳисоблаб келинар эди. Эндиликда бу фикр нотўғри экани ошкор бўлди.

XV аср Темурийлар тасарруфидаги мамлакатларда фан ва маданият энг гуллаб-яшнаган давр бўлган. Айни ўша даврда нақшкорлик санъатида ҳам сифат жиҳатдан юксалиш рўй берган. Эрондаги Дарб-е-Имом мақбараси, Ҳиротдаги Хўжа Абдуллоҳ Ансорий сағанаси каби, Лу ва Стейнхардт томонидан тадқиқ этилган кўплаб бошқа ёдгорликлар Темурийлар даврига мансубдир. Бу вақтга келиб, анъанавий гириҳ нақши ҳамда «найза» ва «варрак» (яна Лу ва Стейнхардт атамаси) сингари геометрик шакллар комбинацияси Пенроуз нақшига ўхшаш нодаврий безакларнинг яратилишига олиб келди.



Бинобарин, бу вақтга келиб улар, эҳтимол, анчагина мураккаб асбоблардан фойдаланишган, аммо шуниси аёнки, XV асрда нақшкорлик техникасида туб юксалиш рўй берди.



*Бухородаги Нодир Девонбеги хонақоси безаги парчаси.*

Мақола чоп этилганидан кейин берган интервьюларида Лу ва Стейнхардт ўрта аср меъморлари ўз кашфиётларининг моҳиятини қанчалик англаб етганликлари ҳақида бирон нима дея олмасликларини, аммо улар кўриб турган нақшлар Пенроуз тузилмаларининг бир тури эканлигини таъкидладилар. Бундай нақшларни қандайдир тасодифий йўл билан яратиш мумкин эмаслигига уларнинг ишончлари комил.

### Баҳс давом этади

Кўп ҳолларда, илмий кашфиёт рўй берганда, унинг муаллифлиги маълум тортишувларга сабаб бўлади. Тортишувлар, ҳаттоки, муаллифликка даъвогар бўлганлар ҳаётдан ўтиб кетганларидан кейин ҳам тарихчилар томонидан давом эттирилади. Бунга фан тарихидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бу сафарги кашфиёт ҳам бундан мустасно бўлмади. Копенгаген университетининг профессори Эмиль Маковский ислом нақшлари масаласини 1992 йилда кўтариб чиққан эди. Лекин у Лу ва Стейнхардтлар ўз мақолаларида (Маковскийнинг ишига изоҳ бериб ўтганликларига қарамасдан) бу фактни етарлича акс эттирмаганликлари учун уларга эътирозлар билдирди. Шу муносабат билан кўпчиликни қизиқтирган: «Нега бу кашфиёт тарихий обидаларимиздаги нақшу безакларни яхши билган, уларни ҳар куни бевосита ўрганиб, ўлчаб ва расмга олиш имконига эга бўлган олимларимиз томонидан қилинмади?» деган саволга тўхталиб ўтиш жоиз. Биринчидан, шуни айтиш керакки, нақшларнинг шаклларини, турларини ва ҳаттоки, геометриясини санъатшунос ва меъморларимиз атрофлича ўрганганлар ва бу мавзуга бағишланган йирик монографиялар яратганлар. Лекин бу тадқиқотлар олиб борилганда ҳали Пенроуз тузилмалари фанда маълум эмас эди. Маълум бўлгандан кейин ҳам бу ҳақда санъатшунослик ва меъморчилик соҳасидан йироқ бўлган олимларимизгина хабардор бўлганлар, холос. Питер Луга келсак, у бу тузилмаларни нафақат университетда ўрганган, балки шу соҳанинг энг йирик мутахассиси бўлган, фанга квазидаврий тузилмалар атамасини киритган, Паул Стейнхардт раҳбарлигида айнан квазикристаллар мавзусидаги магистрлик диссертациясини ёқлаган. Демоқчиманки, Питер Лу квазидаврий тузилмаларни англашда ниҳоятда кўзи пишган тадқиқотчилардан бири эди. Шу туфайли 2005 йилда унинг назари Абдуллахон мадрасаси гумбазидаги кошинкор нақшларга тушганда, у ўша заҳотиёқ уларнинг асосида қандай қонуният ётганлигини фаҳмлаб қолди. Албатта, бундай иш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Буни яхши тушунган олимларимиз эндигина 29 га кирган зеҳни ўткир бу ёш олимга самимий тан бермоқдалар.

Муҳими шундаки, бу кашфиёт олимлар ва санъатшуносларга тарихий обидаларимизни ўрганишда янги йўналиш очиб берди. Масалага кенгроқ қарасак, нафақат нақшлар шаклларида, балки ёдгорликларнинг тузилиши ва мутаносибликларида жаҳонда анча кейин маълум бўлган ёки ҳозиргача маълум бўлмаган қандайдир янги ижодий ечимлар ва, ҳаттоки қонуниятлар топилиши эҳтимолдан узоқ эмас. Яқиндагина 1000 йиллиги кенг нишонланган Хоразм Маъмун академияси фаолият олиб борган даврдаёқ меъморчилик нуқтаи назаридан анча мураккаб ва мукаммал иншоотлар яратилгани барчамизга яхши маълум. Буюк алломаларимизнинг асарларини айнан шу нуқтаи назардан қайтадан ўрганишга киришсак мақсадга мувофиқ бўлур эди.

**Б**у гапларнинг ҳаммаси шунчаки мулоҳазалардир. «Сайнс» журналида чоп этилган мақоланинг энг муҳим жиҳати шундаки, бутун дунё зиёлилари ота-боболаримизнинг ақлу заковатларига офаринлар айтиб, заминимиз жаҳон илм-фани ва маданиятига улкан ҳисса қўшган Фарғоний, Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек каби буюк алломалар ва номлари сақланиб қолмаган, лекин серқирра мероси ҳануз жаҳонни ҳайратда қолдираётган бошқа кўплаб буюк инсонларни етиштирган юрт эканлигининг яна бир бор шоҳиди бўлдилар. Мамлакатимиз Президентининг биз киммиз ва кимнинг авлодларимиз, деган доно сўзларини дастуриламал қилиб, маънавиятимизнинг тарихий илдизларини чуқур таҳлил қилиш, аждодларимиздан қолган нодир ёдгорликлар асосида ўз навбатини кутиб ётган янгидан-янги қонуниятларни рўёбга чиқариш биз, олимлар олдида турган асосий вазифалардан энг муҳими, деб ҳисоблаймиз.

**Шуҳрат ЭГАМБЕРДИЕВ,**
**ЎзР ФА Астрономия институти директори.**

Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport

## Чавандозлар пойгаси



***Хива туманида от пойгаси бўйича кўп кунлик Ўзбекистон очиқ чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди.***

Унда вилоятлардан келган 28 нафар чавандоз 50, 60, 70 километрлик масофага ўтказилган пойгаларда ўз омадларини синаб кўрдилар. Чемпионатда фақат “Ахалтекин” отлари қатнашди.

Уч кун давом этган беллашувлар якунига кўра, “Хоразм-1” жамоаси ғолиб бўлди. Қорақалпоғистон Республикаси чавандозлари иккинчи, “Хоразм-2” жамоаси учинчи бўлишди.

Шахсий биринчиликда боғотлик чавандоз Сайфитдин Қўшжоновга тенг келадигани топилмади. Урганчлик Шоҳжаҳон Абилов иккинчи, қорақалпоғистонлик Равшан Дурдибоев учинчи ўринни эгаллади.

Ғолиб чавандозларга ҳомийлар томонидан қимматбаҳо совринлар топширилди.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**“Халқ сўзи” мухбири.**







### Мезбонлар маълум

Кениянинг Момбас шаҳрида Халқаро енгил атлетика федерацияси (IAAF)нинг навбатдаги конгресси бўлиб ўтди. Конгрессда 2011 ва 2013 йилларда ўтадиган жаҳон чемпионатига мезбонлик қиладиган давлатлар номи эълон қилинди.

Хабар қилинишича, жаҳон чемпионатини ўзида ўтказиш учун Барселона (Испания), Брисбейн (Австралия), Дэгу ( Жанубий Корея) ва Москва (Россия) шаҳарлари даъвогарлик қилган. Конгресс 2011 йилги жаҳон чемпионатига Дэгу, 2013 йилдагисига эса Москва шаҳри номзодини тасдиқлади.

### Жаҳон рекордлари янгиланди

Мельбурн (Австралия)да сув спорти бўйича жаҳон чемпионати давом этмоқда. Унда кўплаб янги рекордлар қайд этилаяпти. Мусобақаларнинг навбатдаги куни яна иккита жаҳон рекорди янгиланди.

Дастлаб америкалик Аарон Пирсол 100 метр масофага чалқанча усулда сузиш баҳсларида марраға 52,98 сонияда етиб келиб аввал ўрнатилган жаҳон рекордини янгилади. Аёллар ўртасида италиялик Федерика Пеллегорини 200 метрга эркин усулда сузиш баҳсларида 1 дақиқаю 56,47 сония натижа билан бундан беш йил муқаддам Францик Ван Альмсик ўрнатган кўрсаткичдан ўзиб кетди. Қизиғи, у бу ютуққа ярим финал баҳсларидаёқ эришди.

### Кучлилар сараланмоқда

Пойтахтимиздаги “Саёҳат” меҳмонхонасида болалар ва ўсмирлар ўртасида шашка бўйича ўтказилаётган Осиё чемпионати ҳал қилувчи паллага кирди.

Кеча классик шашка бўйича дастлабки совриндорлар номи маълум бўлди. 10 ёшгача бўлган иштирокчилар орасида бухоролик Шаҳноза Қосимова, ўғил болалар ўртасида эса мўғулистонлик Церен Бемба шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олди. Шунингдек, 14 ёшгача бўлган қатнашчилар орасида бухоролик Саидқосим Алиев ва Гулсум Алиевалар ҳам Осиё чемпионлигини қўлга киритдилар.

Мусобақалар давом этмоқда.

**З. ЖОНИБЕКОВ,**
**“Халқ сўзи” мухбири.**




### Инсон хотираси азиз

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси, Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳамкорликда 3-болалар санъат мактабида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, композитор Ғафур Қодировнинг 90 йиллигига бағишланган хотира кечаси ўтказди.

Ғафур Қодиров ўзининг ижодий ва педагогик фаолияти билан ўзбек мусиқа санъатига салмоқли ҳисса қўшган эди. Унинг симфоник ва саҳна мусиқалари, айниқса, болалар учун ёзган асарлари ҳамон барчани мафтун этиб келмоқда.

Хотира кечасида композиторнинг яқинлари, дўстлари, ҳамкасблари сўзга чиқиб, Ғ.Қодиров ҳаёти, ижодий фаолияти ҳақида сўзлаб бердилар.

**Юлдуз РИЗАЕВА,**
**“Халқ сўзи” мухбири.**




Тошкент давлат техника университети жамоаси Сиёсатшунослик ва социология кафедрасининг профессори, тарих фанлари доктори Бердимурод Сиддиқовга опаси **ШОЗОДА аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзстандарт» агентлиги жамоаси Тошкент шаҳар синов ва сертификатлаштириш маркази директори Рустам Джаббаровга онаси **МУХАРРАМХОН аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 42233 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.35 Топширилди — 22.20 1 2 3 4 5